

1002

PSTN-G00 10/47 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет таъшилотлари) учун

Наманган ш.

2022 йил 13 " сентябрь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033 -сон шонченома асосида фаоллият юритувчи Компаниянинг АК "Ўзбектелеком" Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда - Оператор) бир томондан ва Наманган шаҳридаги 10/47 -сон шонченома (кейинги ўринларда - Абонент) иккончи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши буйича қўйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) тўлдирди.

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолади:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таслифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузди;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молжавий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзини қабул қилиши (акцепттини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати аниқлашга рақамни беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз ташкилидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқиб ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати буздан мустасно) кўрсатилишидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари таътиб этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар молвий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларини ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлов биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор улавида Абонент тўловни 100 (бир юз) фоиз миқдоридан олдиндан тўловиди, дастлабки аванс тўловни олдиндан тўлов буйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) кўрсатишган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет таъшилотига бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофиқ кўрсатишган хизматлар ҳақими билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни ҳисобга олган ҳолда) 1200000 (бир миллион 200) 000 000 сумми ташкил этади. Ушбу сумма 1200000 (бир миллион 200) 000 сумми миқдоридан Абонент тўловини ҳамда _____ миқдоридан бир марталик тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортмича сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатишган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун старли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура буйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланишмаслиги, Абонентта ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайдди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни аяқловчи тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун истеъдодган тўловларининг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларнинг охирий равишда блокировка қилиш учун арза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўришида реклама акциялари доирасида Абонентта тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўловини мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентта тўловмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан этилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (би) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура буйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатишган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобид, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига чун баланси салбий бўлганда 1 (бир) календарь ойдан олмаган муддатта Абонентнинг қароғат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганини учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарлиқнинг чекланиш ҳолатлари буздан мустасно).

5. Ишларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар буйича барча ишларни ва келишмовчиликларни Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонуничилигига мувофиқ ҳамда ишларни сулғача ҳал этиш тартиби ва риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзга келган ишга ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этилишини имкони бўлмаган тақдирда, ишлар

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судда кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар маъмур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маддаҳатини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурожаат қилишни чораларини кўради.

6.2. Маъмур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳолатларда (сизиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таъриф кўришишдаги мурожаати кўни билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилати бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилати бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг ижролалиши - Оферта қабул қилиниши (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилиниши ҳақиқатли эканлиги) билдирилади.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши Оферта, илова ва қўшимчалар (агар маъжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида гуҳлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй бериш тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (маъжуд бўлган тақдирда) билан таъдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусxada расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали</p> <p>Манзил: Наманган шаҳар Истиқлол куча 57-уй Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ "Алокабанк" Тел: _____; E-mail: b2b@uztelecom.uz;</p>	<p>АБОНЕНТ: <i>Наманган туман ҳокимлиги</i></p> <p>Манзил: <i>Тошкент</i></p> <p>Банк маълумотлари: х/р: <i>10002286014212701204018001</i> СТИР: <i>2000 81630</i> МФО: <i>00014</i>; Банк номи: <i>Марказий Банк - Тошкент Ш.Б.К.</i> Тел: <i>89-47-21-462</i> E-mail: _____ Дот: _____</p>
<p>Оператор номидан: <i>Б.Нурматов</i> /имзо/</p> <p>м.ў.</p>	<p>Абонент номидан: <i>Ф.И.Ш. С. Шўришев</i> /имзо/</p> <p>м.ў.</p>

Юрист

Исп.: Юсупов И
Тел: (369) 227-1810

Газначилик бўлимининг номи

ЯГХ 23 402 000 300 100 001 010
БАНК номи Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО:00014 Газначилик бўлимининг
СТИРи _____
Бюртғачи раҳбари _____
(лавозим) (Ф.И.О.)

Директор *Б.Нурматов* Нурматов.Б.Х

Директор _____